2016 ЙИЛ 20 ИЮНЬ, ДУШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 124 (13.187)

Баҳоси эркин нархда

ХХР РАИСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ДАВЛАТ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин 2016 йил 21 июнь куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келади.

Олий даражадаги учрашув ва музокараларда Ўзбекистон – Хитой муносабатларининг бугунги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари, долзарб минтақавий ва халқаро сиёсий масалалар муҳокама этилади.

Ташриф дастурида Хитой Раисининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари олдида нутқ сўзлаши ҳам кўзда тутилган.

Ташриф якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикасининг қўшма баёнотини қабул қилиш, мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга қаратилган битимлар ва бошқа ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган навбатдаги мажлисида иштирок этади.



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ХХ аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Жиззахда “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури ижросини таъминлашда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, тиббий маданиятни юксалтириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш масалаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

● Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ туманида Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси марказий кенгаши ташаббуси билан хотин-қизлар форуми ўтказилди. Форум доирасида “Гўзал ва бетакрорсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!” шиори остида маданий-маърифий тадбир ҳамда “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди вилоят ҳудудий филиали кўчма тиббий-ижтимоий ёрдам бригадасининг аҳоли саломатлигини текширувдан ўтказиш лойиҳаси ташкил этилди.

● Сирдарё туманида бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди. Туман ҳокимлиги, туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган ярмаркада 20 га яқин корхона, ташкилот ва муассаса 400 дан ортиқ бўш иш ўрни билан иштирок этди. Ярмарка давомида 30 дан ортиқ иштирокчи ўз мутахассислиги бўйича ишга йўлланма олди.

● Андижон давлат университетида “Андижонда хорижий тиллар бўйича мутахассислар тайёрлашнинг тарихи” мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди. Профессор-ўқитувчилар, хорижий тиллар мутахассислари, ёш олимлар, талабалар иштирок этган анжуманда хорижий тилларни ўқитиш сифати ва самарадорлигини ошириш, малакали мутахассислар тайёрлаш борасида амалга оширилаётган ишлар юксак самаралар бераётгани таъкидланди.

ЖАҲОНДА

● Германиянинг “Mercedes Benz” компанияси водородда ҳаракатланадиган “GLC” русумли янги машинанинг тақдимотини ўтказди. Таъкидлаш жоизки, автомобилга водород ва кислороднинг кимёвий реакциясидан қувват олувчи электрли ихчам двигатель ўрнатилган бўлиб, янги транспорт воситаси электр токида ҳам ҳаракатлана олади.

● Хитойнинг Сичуань провинциясида энтомологлар қанотлари ёзилган пайтида 21,01 сантиметрни ташкил этувчи жаҳондаги энг катта учувчи ҳашаротни ушлашди. Экспертлар унинг коридалидлар оиласига мансублигини аниқлашди. Энтомологларнинг ушбу топилмаси ўз ўлчами бўйича фанга маълум бўлган улкан учувчи ҳашаротларнинг барча олдинги рекордларини янгилади. Бунгача энг йирик учувчи ҳашарот сифатида қанотларининг узунлиги 19,1 сантиметрни ташкил этувчи Жанубий Америка ниначиси ҳисобланарди.

● АҚШнинг Бруклин шаҳридаги ўйин майдончасида рўй берган отишма чоғида 5 нафар ўсмир яраланди.

Бугун ҳеч ким ҳаётини электрон қурилмаларсиз тасаввур эта олмайди. Опасингилларимизнинг ошхонадаги юмушлари, ўқувчи ва талабаларнинг ўқиб-изланишлари, отахону онахонларимизнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари, узоқ-яқиндаги дўст-биродарлар билан дийдорлашишда дейсизми, ҳамма-ҳаммасида техникалар бизга беминнат дастёр. Ҳатто узоқ яйловларда юрган чўпон ҳам бугун нон ва сув солинган тугун-қопчасини унутиши мумкиндир, лекин “сотка”сини унутмайди.

“ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН”

белгили маиший техникалар ҳар бир хонадонда

Йигирма йиллик телевизор

Ҳовлисида экин-тикин, боғ-роғ қилиб, қўшимча даромадга эга бўлаётган юртдошларимиз кўп. Чинозлик Сарвар Сайдалиев ҳам шундайлардан. Ўтган йили ҳовлисидаги уч туп олма, шунча гилос ҳамда икки туп ўрикнинг ҳосилидан уйидаги телевизорни иккита қилди, томига параболик антенна қўйдирди.

– Аввалари уй бисоти дейилса, битта сандиқ ва тўртта ўрин-кўрпа тушунилади, – дейди С.Сайдалиев. – Телевизору совутгичлар отлиққаям йўқ эди. Шунинг учун бўлса керак, уйимизга телевизор олиб келинган кунни ҳеч эсимдан чиқармайман. Ўша куни бутун қавм-қариндош, қўни-қўшни йиғилиб бизни телевизорли бўлганимиз билан табриклаганди. Ўша телевизорни юртимиз мустақил бўлгунича, яъни, йигирма йил ишлатдик. Чунки янгисини олиш осон эмас эди-да...

Эътибор беринг, йигирма йил алмисоқдан қолган телевизорга қараб ўтиришган. Бугун эса ҳеч бўлмаганда урфдан чиқаётганини баҳона қилиб телевизор тугул машинасини ҳам алмаштириш пайида юрган юртдошларимиз қанча. Чорак аср аввалги хотиротларни варақласак, бугун турмушимиз нақадар фаровонлашиб кетганини англаш қийин эмас. Лоақал рўзғорда ишлатилаётган маиший техника воситаларини номма-ном санаб чиқиш учун ҳам бармоқлар камлик қилиб қолади. Хилма-хил электротехника воситалари тизилган пештахталарга қараб кўз қувнайди.

Буларнинг барчаси Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлолнинг илк кунлариданоқ узоқни кўзлаб амалга оширилган ислоҳотларнинг мевасидир.

Олтиндан қиммат

Юқори технологияга асосланган саноат тармоқларига қизиқиш билан қарамаган мамлакат дунёда бўлмаса керак. Чунки мазкур соҳаларга кўрсатилган эътибор пировардида иқтисодиётда катта “портлаш” эффектига олиб келиб, юксак тараққиётни таъминлаганини кўплаб мамлакатлар мисолида кўриш мумкин. Бу ўринда юқори технологиялардан самарали фойдаланилган ҳолда қўшимча қийматга эга инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётган энг ёш ва шиддат билан ривожланаётган тармоқ – электротехника саноати алоҳида ўринга эга.

Таҳлилчиларнинг фикрича, энг илмталаб ва инновацион ушбу саноат тармоғи геоиқтисодиётда юз берган турли бўҳронлар шароитида ҳам муваффақиятли ривожланиб, жаҳон иқтисодиётида етакчи тармоқларни ҳам ортда қолдирган. Маълумотларга кўра, сўнгги ўн йилликда электротехника саноатининг ўсиш суръати дунё ялпи ички маҳсулотининг ўсишига нисбатан уч баробар юқори бўлиб келмоқда. Соҳага киритилган сармоянинг рентабеллиги бошқа тармоқларга қараганда уч-тўрт марта кўпроқ.

Бу ўринда компьютер маҳсулотлари, алоқа ҳамда маиший техника воситаларидан фойдаланиш кўламининг кенгайиши натижасида ишлаб чиқаришнинг қанчалик тармоқланиб кетганини эслаб ўтиш кифоя. Ҳозирги пайтда кундалик ёзув-чизув, ҳисоб-китоб ишларини бажаришдаги аҳамиятини кўя турайлик, ҳатто сайёрамиз атрофидаги сунъий йўлдошларнинг тўхтовсиз ҳаракатини таъминлаш ҳам компьютер воситаларига боғлиқ.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН – ХИТОЙ:

ИККИ МАМЛАКАТ ХАЛҚЛАРИ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДАГИ ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК

Хабар берилганидек, жорий йил 21 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифига биноан Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин давлат ташрифи билан мамлакатимизга келади.

Бу Хитой етакчисининг юртимизга ХХР раиси сифатидаги иккинчи ташрифи бўлади. Ушбу ташриф ХХР сиёсий доираларининг Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва изчил ривожлантиришга катта эътибор қаратаётганидан ҳамда давлатларимизнинг самарали мулоқотни кенгайтиришга бўлган интилишлари муштарак эканлигидан далолат беради.

Режалаштирилган олий даражадаги учрашув ва музокаралар кўп қиррали муносабатлар кўламини изчил кенгайтириш жараёнида муҳим босқич бўлиши билан бирга ўзаро алоқаларнинг ҳозирги ҳолатини ҳар томонлама таҳлил этиш, уларнинг истиқболли йўналишларини белгилаб олиш ҳамда амалий мазмун билан фаол ривожланиб бораётган стратегик шерикликни янада бойитиш учун қулай имконият яратади.

Замонавий босқичда икки томонлама ҳамкорлик турли йўналишларда муваффақиятли ривож топмоқда. Бугунги кунда Хитой Халқ Республикаси Ўзбекистоннинг жаҳон майдонидаги энг муҳим шериклари ва йирик сармоядорларидан бири бўлиб келаётгани ҳолда миллий иқтисодиётимизни модернизациялаш ҳамда диверсификация қилиш бўйича дастурларни амалга ошириш, рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини кенгайтириш ва саноатнинг экспорт салоҳиятини юксалтиришда фаол иштирок этмоқда.

Узоқ муддатли ҳамда самарали Ўзбекистон – Хитой мулоқотининг асосий тамойиллари Дўстлик ва ҳамкорликнинг шерикчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома (2005), Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларация (2012), шунингдек, 2013 йили имзоланган Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ҳамда Икки томонлама стратегик ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш ҳақидаги қўшма декларацияда муҳрлаб қўйилган. Умуман олганда, Ўзбекистон – Хитой алоқаларининг шартномавий-ҳуқуқий пойдевори турли йўналишларни қамраб олган 220 дан ортиқ ҳужжатдан иборатдир.

Ҳозирги пайтга келиб давлатларимиз ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг кўп даражали механизми ишлаб чиқилган. У турли даражалардаги учрашувларни – давлат раҳбарлари музокараларидан тортиб то ишбилармон доираларнинг бизнес алоқаларигача бўлган муносабатларни ўз ичига олади. Сиёсий алоқаларга тўхталганда, энг аввало, икки мамлакат раҳбарлари ўртасидаги учрашувлар мунтазам тус олгани эътиборга сазовор эканлигини таъкидлаш жоиз: фақатгина кейинги уч йил оралиғида беш маротаба ана шундай учрашувлар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2014 йил август ойида Хитой Халқ Республикасига буюрган давлат ташрифи икки томонлама мулоқотнинг ривожланишида муҳим босқич бўлди – олий даражадаги учрашув чоғида томонлар Ўзбекистон – Хитой шериклигини янада жадаллаштиришга бўлган мақсадларини намойиш этдилар. Ташриф чоғида Қўшма баёнот, 2014-2018 йилларга мўлжалланган Стратегик шериклик муносабатларини ривожлантириш дастури, 6 миллиард АҚШ долларидан зиёд миқдордаги 80 дан ортиқ иқтисодий, молиявий ҳамда сармоявий битим ва шартномалардан иборат салмоқли ҳужжатлар тўпламининг имзоланган бу фикрни яққол тасдиқлади.

(Давоми 2-бетда)

БОШҚАРУВ КАДРЛАРИ ТАЙЁРЛАШДАГИ АЛОҚАЛАР

Пойтахтимизда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамда Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) ҳамкорлигида бошқарув кадрларини тайёрлаш масаласига бағишланган конференция ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан Германия Федератив Республикаси федерал иқтисодиёт ва технологиялар вазирлиги ҳамда Германия халқаро ҳамкорлик жамияти ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда икки мамлакатнинг масъул вазирлик ва идоралари, ишбилармон доиралари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири ўринбосари Шавкат Тўлаганов, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайхов, Германия Федератив Республикаси федерал иқтисодиёт ва технологиялар вазирлиги бошқарма бошлиғи Андреас Оберштеллер, Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Найтхарт Хёфер-Виссинг ва бошқалар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани, ушбу анжуман савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқаларни янада фаоллаштиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Германия Ўзбекистоннинг муҳим ҳамкорларидан. Савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳаларда давлатларимиз ўртасида икки томонлама солиқдан қочиш, капитал киритишга кўмаклашиш ва ўзаро ҳимоя қилиш ҳамда савдо-иқтисодий ҳамкорликка оид битимлар имзоланган. Савдо бўйича энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган.

2007 йилда Германия Федератив Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида Ўзбекистон Республикаси корхона ва ташкилотлари бошқарув кадрларининг малакасини ошириш бўйича ҳамкорлик қилиш тўғрисида имзоланган англашув меморандумига мувофиқ Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамда Германия халқаро ҳамкорлик жамияти ҳамкорлигида мамлакатимиз менежерлари учун Германияда иш ўрганишнинг йўлга қўйилиши икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга ҳисса қўшмоқда.

(Давоми 2-бетда)

“ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН”

белгили маиший техникалар ҳар бир хонадонда









(Давоми. Боши 1-бетда)

Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида саноат тармоқларини диверсификациялашга қаратилган изчил ислоҳотлар мамлакатимизда электротехника соҳасининг дунё иқтисодиётида шиддат билан ривожланаётган ана шундай йўналишларини амалиётга муваффақиятли татбиқ этилишини таъминлади. Натижада музлаткич, чангютгич, газ плитаси, кондиционер, телевизор сингари йигирмадан зиёд қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи ўнлаб янги корхоналар ташкил этилди.

Агар 2005 йилда “Ўзэлтехсаноат” акциядорлик компанияси тизимидаги корхоналарда ишлаб чиқарилган жами маҳсулотда маиший техникаларнинг улуши атиги 3,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2015 йилда бу кўрсаткич 28,9 фоизга етди. Бу халқимизнинг замонавий маиший электр воситаларига бўлган талабини юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар билан қондириш имкониятини яратди. Бошқача қилиб айтганда, бугунги кунда “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” белгили маиший техника воситалари мамлакатимиздаги ҳар бир хонадонга кириб борди.

Фаол инвестиция сиёсати, импорт ўрнини босадиган, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган маҳаллийлаштириш дастурларининг самарасида охирги беш йилда олдин импорт қилинган 25 турдан зиёд маиший техника маҳсулотларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Уларнинг умумий ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши беш баробар ўсди.

Юқори технологияларга асосланган электротехника воситаларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш мураккаб жараён бўлишига қарамай корхоналарда маҳаллийлаштириш даражаси тобора ортиб бормоқда. Мисол учун, 2010 йилда Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган лойиҳаларнинг маҳаллийлаштириш даражаси ўртача 30 фоизни ташкил этган бўлса, 2015 йилга келиб бу рақам 36 фоизга етган. Сўнгги икки йилда ушбу дастур доирасида замонавий LCD ва LED телевизорлар, маиший кир ювиш машиналари, электр печ ва плиталар, электр ўрнатиш ускуналари, светодиод лампалар ва турли хил ёритгичлар, шунингдек, кондиционер, совуткич, газ ва электр плиталарнинг янги моделлари ўзлаштирилди.

2015-2019 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисм ва материалларни маҳаллийлаштириш дастурига мувофиқ, “Ўзэлтехсаноат” таркибидаги корхоналар томонидан янги турдаги светодиод лампалар, D-LED телевизорлар, компьютер мониторлари, янги турдаги холодильниклар, сув иситиш мосламалари, фотоэлектр станциялари, турли қувватдаги электр двигателлари, смартфонлар, майда маиший техника воситалари ва бошқа турдаги янги маҳсулотларни ўзлаштириш кўзда тутилган.

Янги турдаги электротехника маҳсулотларининг ўзлаштирилиши экспортни диверсификациялашда муҳим роль ўйнамоқда. Чунончи, мустақилликнинг дастлабки йилларида анъанавий экспорт бозорларига кабель маҳсулотлари ва кучланиш трансформаторлари етказиб берилган бўлса, сўнгги йилларда “Ўзэлтехсаноат” акциядорлик компанияси тизимидаги корхоналарнинг нокабель маҳсулотлари экспорти 8 фоиздан 14 фоизгача ўсган.

Экспорт географиясини кенгайтириш, ишлаб чиқарувчиларни ташқи бозорларга чиқишини қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар 2015 йилда экспортчи корхоналар сонини ўнтага кўпайтириш имконини берди.

Жорий йилда Уммон ва Бирлашган Араб Амирликларида савдо уйларини очиш йўли билан мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган электротехника маҳсулотларини янги ташқи бозорларга етказиб бериш мўлжалланган.

Тармоқда кичик бизнеснинг улуши тобора кенгайиб бормоқда. Бинобарин, қачонлардир ўзи қишлоқда яшаб туриб қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш учун туман марказига боришга мажбур бўлган одамлар эндиликда тадбиркорликка қўл уриб, нафақат картошка-пиёз, балки маиший техника маҳсулотларини ҳам етказиб бермоқда. “Ўзэлтехсаноат” акциядорлик компанияси маълумотларига кўра, биргина 2015 йилда маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда ўндан зиёд ана шундай инвестиция лойиҳаси муваффақиятли амалга оширилиб, мингга яқин иш ўрни яратилган.

Хоразм вилоятидаги “Хива маиший техника” масъулияти чекланган жамияти фаолиятини олайлик. Бу ерда озиқ-овқат дўконлари учун мўлжалланган совуткич ҳамда музлаткичлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлиб, сифати ва дизайни хорижникидан қолишмайди, нархи арзон. Чунки эҳтиёт қисмларининг қарийб ярми корхонанинг ўзида тайёрланади. Йиллик ишлаб чиқариш қуввати 10 минг донани ташкил этади.

Кичик корхоналарнинг хорижий ишлаб чиқарувчилар билан ҳамкорлиги тобора ривожланаётганини қайд этиш лозим. Натижада мамлакатимиз кичик бизнес вакиллари “Samsung”, “LG”, “Midea”, “TCL” сингари машҳур компаниялар бренди остида маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтирмоқда. Бу кичик корхоналар фаолиятига йирик корпорациялар ишончининг ортиб бораётганидан далолат беради.

Электроника маҳсулотларини ишлаб чиқариш бу аввало илм-фандаги энг сўнгги ихтироларга асосланган технологиялар демакдир. Бу мамлакатимиздаги олий ва ўрта-махсус таълим муассасаларида янги мутахассисликлар, йўналишларни ривожлантиришни тақозо қилади.

Шу мақсадда олий таълим муассасаларида тайёрланаётган кадрларни ишлаб чиқариш корхоналари билан мувофиқлигини таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бугунги кунда “Андижонкабель”, “Ўзкабель”, “Фотон”, “Элхолдинг”, “Сино” ва бошқа корхоналар Тошкент давлат техника университети, Андижон машинасозлик, Тошкент кимё-технология институтлари билан электротехника, электромеханика ва асбобсозлик ҳамда кабель ишлаб чиқариш технологияси йўналишлари, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети билан иқтисодиёт, маркетинг ва менежмент, халқаро ҳуқуқ, халқаро муносабатлар, жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар йўналишларида ҳамкорлик қилиб келмоқда.

“Ўзэлтехсаноат” акциядорлик компанияси таркибига кирувчи корхоналар эҳтиёжларидан келиб чиқиб Тошкент давлат техника университетида 2016/2017 ўқув йилидан “Мехатроника ва робототехника” бакалавр йўналиши ва “Мехатроника ва робототехника тизимлари” магистратура мутахассислиги бўйича янги йўналиш очилиши режалаштирилган.

Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишлаб чиқариш жараёнига фаол жалб қилиш мақсадида корхоналарда ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш ва дипломолди амалиётларини ўташи учун шароитлар яратилган. Хусусан, “Андижонкабель” корхонаси билан Хонобод компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежи ўртасидаги ҳамкорлик самарасида таълим масканида кабель ишлаб чиқариш техник-технологи, автоматлаштирилган тизимларга техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва созлаш механиги йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланмоқда.

Ҳамманинг қўлида смартфон

Сўнгги ўн йилликда электроника маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланиши, бунда илм-фандаги энг сўнгги ихтироларнинг амалга кенг татбиқ этилиши натижасида техника воситаларининг мутлақо янги авлоди ҳаётимизга кириб келди. Ана шундай “ноу-хау”лардан бири бу – смартфонлардир. Одатдаги мобиль телефонлардан тамоман фарқ қиладиган смартфонлар радио ва телевизор, фото ва видеокамера, мобиль интернет ва банкинг ва яна кўплаб хизматларни бажарувчи универсал электрон дастёр, уни ишлаб чиқариш жараёни ҳам ўзига хос мураккабликларга эга.

Бу омиллар ишлаб чиқаришни ташкил этишда энг замонавий технологиялардан фойдаланиш, ички ва ташқи бозор конъюнктурасини доимий ўрганиш, саноатни техник ва технологик янгилашни тўхтовсиз амалга ошириш, етакчи ишлаб чиқарувчилар билан ҳамкорлик алоқаларини чуқурлаштириш баробарида ички имконият ва захиралардан янада самарали фойдаланишни тақозо этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Марказий Осиё мамлакатлари орасида мамлакатимизда биринчи бўлиб электротехника саноатининг замонавий йўналишларидан бўлган янги авлод мобиль телефонлари – смартфонлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Смартфонлар ишлаб чиқаришнинг илк пойдевори мамлакатимизда уч йил аввал қўйилган бўлса-да, замонавий алоқа воситаларини ишлаб чиқарувчи корхоналар сони тобора ортиб бормоқда.

Мамлакатимизда ўзбек тилидаги мобиль телефон ишлаб чиқариш бўйича дастлабки лойиҳа “Infinity Electronics” қўшма корхонасида амалга оширилди. Корхонада “Artel” бренди билан ишлаб чиқарилаётган телефонлар кўплаб функциялар, технологик янгиликлар ва замонавий дизайни билан халқаро брендлардан қолишмайди. Юқори сифатли ушбу телефонлар хорижникидан анча арзон бўлиб, маҳаллий фойдаланувчилар учун қатор қулайликларга эга. Бундан ташқари, “Artel” йил давомида ўз маҳсулотлари учун бепул хизмат кўрсатади.

Сирдарё вилоятида хитойлик сармоядорлар иштирокида ташкил этилган “Peng Sheng” қўшма корхонасида “UzTE” брендидаги замонавий телефонларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Ишлаб чиқариш жараёнларида дунёнинг етакчи телекоммуникация корпорацияларидан бири “ZTE” технологияларидан фойдаланилмоқда.

2015 йилда пойтахтимизда “Google” корпорациясининг “General Mobile” ҳамда “Artel” компаниялари ҳамкорлигида “Android One” смартфонини ишлаб чиқариш бошлангани мамлакатимизнинг юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқаришдаги тажрибаси ошиб бораётганини амалда яна бир бор тасдиқлади.

– Юртимизда тайёрланаётган смартфонлар арзон ва сифатли. Уларга хизмат кўрсатадиган марказлар ҳамма жойда бор, – дейди Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси Ситора Абдуқодирова. – Икки йилдан бери “Artel” компаниясининг “Adi5” русумли смартфонини ишлатаман, лекин бирор марта ҳам сервис марказига мурожаат қилишга эҳтиёж бўлгани йўқ.

Мухтасар айтганда, Президентимиз раҳнамолигида электротехника саноатини қўллаб-қувватлашга қаратилган эътибор мамлакатимизда юқори технологияларга асосланган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириб, иқтисодиётимизда дунё саноатининг истиқболли тармоқларидан бирининг муносиб ўрин эгаллашига хизмат қилди. Ҳаётга изчиллик билан татбиқ этиб келинаётган тараққиётнинг “ўзбек модели” самарасида халқимиз турмуши фаровонлашиб, даромади ортиб бораётир.

(ЎзА)

ЎЗБЕКИСТОН – ХИТОЙ: ИККИ МАМЛАКАТ ХАЛҚЛАРИ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДАГИ ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мамлакатларимиз ўртасидаги парламентлараро алоқалар ижобий ўсувчанликка эга. Шу билан бирга, ҳукуматлараро ҳамда идоралараро даражалардаги мулоқотлар ҳам самарали бўлмоқда. Ҳар икки давлат халқаро майдонда ҳаётий муҳим манфаатларни илгари суриш масалаларида бир-бирини сиёсий жиҳатдан ўзаро қўллаб-қувватламоқда. Халқаро институтлар, энг аввало, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасидаги ҳамкорлик ҳам ҳаётга муваффақиятли татбиқ қилинаяпти.

Кўп йиллик савдо-иқтисодий муносабатлар Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги конструктив алоқаларнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Ўзбекистоннинг йирик сармоявий шериклари рўйхатида Хитой етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Мустақиллик йилларида ХХР мамлакатимиз иқтисодиётига 6,5 миллиард АҚШ долларидан зиёд миқдорда сармоя киритди.

Жаҳон иқтисодиётида хом ашё нархларининг кескин ўзгариши билан боғлиқ ўсувчан беқарорлик шароитда Ўзбекистон — Хитой ўртасидаги ўзаро савдосотиқ ҳажмининг юқори даражаси сақланиб қолмоқда. Ўтган йили бу кўрсаткич 4 миллиард АҚШ долларидан ошди, жорий йилнинг январь-апрель ойларида эса 1,4 миллиард АҚШ долларини ташкил этди.

Мамлакатимизда Хитой сармояси иштирокидаги 650 дан зиёд корхона фаолият юритаётгани ҳам ХХР ишбилармонлар ҳамжамияти томонидан Ўзбекистонга нисбатан қизиқишнинг ўсиб бораётганини кўрсатади. Ўзбек бозорини яқиндан ўрганиш учун Тошкентда ушбу дўст давлатнинг 75 та етакчи фирма ҳамда компанияси ўз ваколатхонасини очган.

Сармоявий шериклик Ўзбекистон ва Хитой ҳукуматлари ўртасида 2010 йили имзоланган Нохом ашё ҳамда юқори технология соҳаларидаги ҳамкорлик дастури доирасида амалга оширилмоқда. Нефть-газ ва телекоммуникация тармоқларида, транспорт соҳасида, тўқимачилик ҳамда кимё саноатида ва бошқа қатор йўналишларда қўшма лойиҳалар муваффақиятли рўёбга чиқарилмоқда. Хитой бизнес субъектлари Ўзбекистондаги кўплаб янги саноат гигантлари, жумладан, Деҳқонобод калийли ўғитлар ҳамда Қўнғирот сода заводлари қурилишида иштирок этди. ХХР тадбиркорлари кўмагида республикамизда электр техникаси маҳсулотлари, мобиль телефонлар, қурилиш техникаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Huawei компанияси томонидан Тошкент шаҳри ва Ўзбекистон минтақаларининг телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш бўйича 20 та лойиҳа амалга оширилди. ZTE корпорацияси билан ҳамкорликда чиқарилаётган модем, смартфон ҳамда бошқа ускуналарга миллий ва хорижий бозорларда талаб катта.

Ўзбекистоннинг жуғрофий афзалликлари боис ХХР билан транспорт соҳасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик тобора ривожланаяпти. Хитойдан Европа давлатларига маҳсулотлар ташиш мамлакатимиз ҳудуди орқали амалга оширилмоқда. Биргина Навоий аэропортида фаолият кўрсатаётган Халқаро интермодал хаб орқали 2015 йили 1,8 минг тонна юк ташилди. Бундан ташқари, стратегик жиҳатдан нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё учун муҳим бўлган лойиҳанинг амалга оширилишида, яъни “Қамчиқ” довони орқали ўтадиган 19 километрдан зиёд масофадаги темир йўл тоннели қурилишида Хитой фирмалари фаол қатнашдилар. Денгиз сатҳидан 2,2 минг метр баландликда жойлашган ушбу тоннель бўйлаб яқинда синов тариқасида поезд ўтди.

Хитой Экспорт-импорт банки ҳамда ХХР Давлат тараққиёт банки йўналиши бўйича молиявий-техникавий алмашувлар иқтисодий алоқаларнинг муҳим бўлаги ҳисобланади. Ҳозирги пайтгача мазкур молиявий муассасаларнинг узоқ муддатли имтиёзли кредитлари жалб қилиниб, республикамизда турли соҳаларни қамраб олган 40 дан зиёд лойиҳа ҳаётга тадбиқ этилди.

Ўзбекистон ва Хитой кўп асрлик тарихга, ноёб маданият ҳамда улкан интеллектуал салоҳиятга эга. Бу давлатлараро гуманитар ҳамкорликни сезиларли даражада фаоллаштириш, икки мамлакат олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ўртасида шериклик муносабатларини ўрнатишга имконият яратишни, шунингдек, ўзаро маданий алоқаларни янада кенгайтиришни тақозо қилади.

Юртимиз тарихи ҳамда ривожланишини яқиндан ўрганиш мақсадида Хитойда 2013 йили Ўзбекистон тадқиқотлари ва маърифий алмашувлари Маркази тузилди. Унинг мутахассислари республикамизда рўй бераётган замонавий жараёнларни кузатиб бормоқдалар. 2010 йилдан бошлаб ХХР Марказий миллатлар университетида ўзбек тили ўқитилмоқда. Хитойнинг нуфузли ўқув-академик муассасаларидан бири ҳисобланадиган Шанхай Халқаро тадқиқотлар университетида алоҳида ўзбек тили кафедраси фаолият кўрсатмоқда. 2016 йилнинг сентябридан эътиборан ўзбек тили нафақат кафедрада, балки Шанхай олий ўқув юртида факультатив дарс сифатида ўқитилади. Ўз навбатида, Тошкент ҳамда Самарқандда фаолият юритаётган Конфуций институтлари ўзбекистонликларни Хитой маданияти билан яқиндан таништириб келмоқда.

ХХРнинг қатор шаҳарларида Ўзбекистон маданияти ҳафталиги ўтказилганини самарали маданий ҳамкорликнинг мисоли сифатида тилга олиш мумкин. Шу билан бирга, Хитойнинг кўпгина йирик мегаполислари – Пекин, Шанхай ва бошқа шаҳарларида таниқли ўзбек рассомларининг республикамиз замонавий ҳаёти ҳамда тараққиётининг турли қирралари тасвирланган ижодий ишлари кўргазмаси бўлиб ўтди. ХХР ижодий жамоалари ҳар икки йилда Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган “Шарқ тароналари” Халқаро мусиқа фестивалининг доимий иштирокчилари саналади.

Шундай қилиб, Ўзбекистон – Хитой алоқаларининг ҳозирги ҳолати мамлакатларимизнинг узоқ муддатли ҳамкорликка нисбатан ўзгармас содиқлигидан далолат беради, бу икки мамлакат халқларининг туб манфаатларига ва ҳозирги замон талабларига мос келади. Икки мамлакат етакчиларининг бўлажак музокаралари изчил ривожланиб бораётган муносабатлар тарихида муҳим босқич бўлиб қолиши билан бирга, анъанавий яқин мулоқотга янада ўсувчанлик ҳамда самарадорлик бахш этгани ҳолда дўст давлатларнинг бундан кейинги ҳамкорлигидаги энг муҳим қирраларни белгилаш ва мустаҳкамлаш имконини яратади.

“Жаҳон” АА

БОШҚАРУВ КАДРЛАРИ ТАЙЁРЛАШДАГИ АЛОҚАЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Дастурнинг мақсади Германия корхоналарида қисқа муддатли иш ўрганишни ташкиллаштириш орқали мамлакатимиздаги тадбиркорлик субъектлари менежерлари малакасини ошириш, икки давлат кичик корхоналари ўртасида бевосита алоқалар ва иқтисодий ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга қаратилган.

Ўтган даврда дастур доирасида мамлакатимизнинг машинасозлик, тўқимачилик, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, меҳмонхона иши, консалтинг, логистика, муқобил энергия манбалари, соғлиқни сақлаш сингари тармоқларида фаолият кўрсатаётган уч юз етмишга яқин мутахассис Германияда малака оширди.

– Президент Ислом Каримов раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ишбилармонлик муҳитини яхшилашга қаратилган тизимли ислоҳотлар Ўзбекистон иқтисодиётининг изчил ривожланишида муҳим омил бўлмоқда, – дейди ЎзА мухбирига Германия халқаро ҳамкорлик жамияти Бошқарув кадрларини тайёрлаш дастури раҳбари Раймут Дюринг. – Бизнинг асосий мақсадимиз мазкур йўналишдаги тадбиркорлик субъектларида замонавий бошқарув усуллари, илғор технологияларни жорий этиш, икки мамлакат бизнес вакиллари ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлашдан иборат.

Тадбирда ўзаро иқтисодий ҳамкорликнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини қўллаб-қувватлашда интерактив платформаларнинг имкониятларига бағишланган тақдимот бўлиб ўтди.

Б.БОЗОРОВ

Маълумки, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, меҳр-оқибат, миллатлараро тотувлик муҳити кенг кўламли ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширилишида муҳим аҳамият касб этади.

ДЎСТОНА МУНОСАБАТЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Хорижий мамлакатлар билан дўстона алоқаларнинг мустаҳкамланишида Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгашининг ўрни катта. Бугунги кунда Кенгаш ва дўстлик жамиятлари қатор хорижий мамлакатлар билан ўзаро манфаатли алоқаларни амалга ошириб келмоқда. Бу борада Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси Кенгаш билан яқин дўстона алоқада бўлиб, икки халқ ўртасидаги ҳам дўстлик, ҳам иқтисодий, ҳам маданий-маърифий соҳаларда кўплаб тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Худди шундай тадбирлардан бири Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгашида бўлиб ўтди. Унда Хитой Халқ Республикасининг Гуандун провинцияси хорижий мамлакатлар билан дўстлик жамияти раиси, жаноб Фу Лан бошчилигидаги бир гуруҳ меҳмонлар иштирокида учрашув ташкил этилди.

Учрашувдан кўзланган мақсад икки халқ ўртасидаги дўстлик алоқаларини ривожлантириш ва маданий-маърифий соҳаларда турли тадбирлар ўтказиб боришда ўзаро ҳамкорлик қилишдан иборат.

Тадбирда меҳмонлар гуруҳи раҳбари икки халқ ўртасидаги алоқалар қадим-қадимдан мавжудлиги, унинг илдизлари Буюк Ипак йўлининг тарихига бориб тақалишини қайд этиб, бугунги авлод вакиллари ҳам аждодларимиз олиб борган оқилона ишларни давом эттирмоғи лозимлигини таъкидлаб ўтди.

– Алломалардан бири “Одамларга доноликдан сўнг берилган энг қимматбаҳо тортиқ дўстлик”, деб айтган экан, Шу боис бўлса керак, ўзбеклар “яхши дўст – тугамас хазина” дейдилар, – дейди Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши масъул котиби Муқима Абдуллаева. – Бугунги кунда Кенгаш фаолияти дунёга тинчликни тарғиб этаётган Юртбошимизнинг одилона сиёсатини қўллаб-қувватлаб, дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилиб келмоқда. Ўйлайманки, бугунги тадбир ҳам маданий-маърифий алоқаларни мустаҳкамлашга ҳисса қўшади.

Учрашув сўнгида иккала томон вакиллари ўзаро учрашувлар, тадбирлар ташкил қилиб, дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш борасида ҳамкорлик қилишга келишиб олдилар.

Абдуалим САЛИМОВ

САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

Ўтган йиллар давомида миллат генофондини яхшилаш, оилада тиббий маданиятни юксалтириш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ва узоқ умр кўриш даражасини ошириш мақсадида соғлом авлод туғилиши ва унинг тарбияси учун қулай шарт-шароитлар яратишга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, изчил ишлар амалга оширилди.

2016 йил — Соғлом она ва бола йили



Олди Ғуломов олган сурат

Айни дамда давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган “Соғлом она — соғлом бола” концепцияси халқаро миқёсда ҳам кенг эътироф этилмоқда. Ўзбекистонда Соғлом она ва бола йили, деб эълон қилинган жорий йилда ҳам бу борадаги изчил ишлар давом эттирилиб, янада кенгайтирилади.

2016 йил 9 февралда Президентимиз томонидан “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури тасдиқланди. Унда “Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади” деган ҳаётбахш қадрият ва олижаноб ғояни жамиятимизда теран англаш ва қарор топтириш, оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, жамиятда оналарга алоҳида ҳурмат-эҳтиром муҳитини мустаҳкамлаш, баркамол авлодни тарбиялаш, оила институтини мустаҳкамлашда давлат ҳокимияти органлари ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи М.Содиқов билан бўлган суҳбатимиз ҳам айнан она ва бола саломатлигини яхшилаш масалаларига қаратилди.

— Айни пайтда юртимизда 5300 нафарга яқин педиатр, 1450 нафардан зиёд неонатолог, 815 нафар болалар хирурги, 261 нафар болалар офтальмологи, 677 нафар болалар невропатологи, 800 нафарга яқин болалар стоматологи каби кўплаб мутахассислар фаолият кўрсатмоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи Марат Содиқов. — Оналик ва болаликни муҳофаза қилишда мамлакатимизда ҳомиладор аёлларни таркибида инсон ҳаёти ва саломатлиги учун зарур бўлган микроэлементларга эга поливитаминлар билан таъминлаш амалиёти йилдан-йилга такомиллашиб бораётир. Ҳаётга татбиқ этилаётган ана шундай кенг кўламли лойиҳалар самараси ўлароқ, 2005 йилдан буён ривожланишида туғма нуқсони бор болалар 1,3 баробарга камайди.

Республика Перинатал марказида эса ҳомиладор аёллар ва янги туғилган чақалоқлар саломатлигини асрашга катта эътибор қаратилиб, ҳомиладорлик даврида муайян бир хасталик билан оғриган, муддатидан аввал туғруқ хавфи мавжуд бўлган оналар ҳамда эрта туғилган чақалоқлар парваришланмоқда. Айни чоғда бир килограммдан кам вазнда туғилган жажжи гўдаклар буткул соғломлаштирилаётгани бахтиёр оилалар сафини кенгайтирмоқда. Ваҳоланки, бундан 20-25 йил олдин тиббиёт тизимидаги шарт-шароитлар талаб даражасида бўлмагани туфайли ҳатто 1,5 килограмм атрофида туғилган болаларнинг ҳам яшаб кетишига ишончсизлик билан қараларди. Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, ҳозирги кунда болаларни ўн иккита хавфли касалликка қарши режали эмлаш янада изчиллик билан давом эттирилмоқда. Комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида ўтган йиллар давомида юртимизда оналар ва гўдаклар ўлими 3 баробардан кўпроқ камайди. Аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси 7,5 йилга узайди. Албатта, ушбу ҳаётий мисоллар биз танлаган соғлиқни сақлаш модели қанчалик тўғри ва самарадорлигини яққол тасдиқлаб турибди.

Дарҳақиқат, Президентимизнинг “2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори қабул қилиниши бу борадаги ишларнинг янги босқичини бошлаб берди. Ана шу ҳужжат асосида мамлакатимизда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасида тиббий ёрдам кўрсатаётган муассасаларнинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини кучайтириш, замонавий ташхис усулларини жорий этиш, аёллар, болалар ва ўсмирлар касалликларининг олдини олиш бўйича беш йилга мўлжалланган қатор долзарб вазифалар белгилаб берилди.

— Гап Ўзбекистон педиатрияси ҳақида кетар экан, Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази ва Тошкент Педиатрия институти клиникаси хусусида алоҳида тўхталиш жоиз, — дея таъкидлайди М.Содиқов. — Бу ердаги бино ва иншоотлар нафақат ташқи кўриниши, балки замонавий шароитлари билан ҳам киши эътиборини тортади. Моддий-техник базанинг мустаҳкамлангани тиббиётда ноёб саналган операциялар, мураккаб текширув усулларини жорий этишга шароит туғдирди. Айтайлик, болалар орасида туғма ва орттирилган эшитиш заифлиги деган касаллик бўлиб, мурғак қалб эгалари ушбу нуқсон туфайли бу дунёнинг бебаҳо неъматларидан бири — эшитиш қобилиятидан маҳрум бўлиб қоладилар. Бундай хасталиклар бугунги кунда саноқли давлатлардагина даволанади. Фахрланарли томони шундаки, 2014 йилдан бошлаб Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида эшитиш заифлиги бўлган болаларда кохлеар имплантацияси йўлга қўйилди.

Соғлом она ва бола йилида тиббиёт муассасалари, хусусан, Республика перинатал ва скрининг марказларининг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктларининг хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш, патронаж тиббиёт ҳамшираларини кўпайтириш, акушер-гинекологлар ва педиатрлар малакасини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурини амалга ошириш учун 7 триллион 483,3 миллиард сўм ва 194,4 миллион доллар йўналтирилади. Бу борадаги ишлар ва янги ташаббусларни амалга оширишни изчил давом эттириш, шубҳасиз, мамлакатимизда шаклланган оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада мустаҳкамлаш, баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилади.

